

**Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молиявий
инвестицияларнинг
ўрни ва унинг ривожланиш истиқболлари**

Бахтиёр Соатқулов

Жиззах политехника институти,
Иқтисодий ва менежмент кафедраси ассистенти

Эркин Фозилов

Жиззах политехника институти,
532-22 БХ ва А гуруҳи талабаси

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён амалга оширилиб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг бориши жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларнинг асоси-эркинлаштириш бўлиши зарурлигини мантиқан белгилаб берди.

Иқтисодий эркинлаштириш деганда, одатда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларининг эркинлигини кенгайтириш, иқтисодий тармоқлари ичида капиталнинг эркин ҳаракатланиб инвестиция қилиниши, рақобат муҳитини яратиш тушунилади. Иқтисодий ислох қилишнинг ҳозирги эркинлаштириш босқичида «...биринчи галдаги асосий вазифа-мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим.» [6.17., 1-3 бб.].

Мулкдорлар синфини шакллантириш давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, хусусийлаштириш жараённинг биринчи босқичида давлат тасарруфидан кичик корхоналар, кейинчалик ўрта ҳажмдаги корхоналар чиқарилган эди. Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёни моҳиятан янги босқичга қадам қўйиб, йирик корхоналар хусусийлаштириш объектига айланмоқда.

Корхоналар акция пакетларининг сезиларли қисмини фонд бозорида, шу жумладан хорижий инвесторларга ҳам сотувга чиқариб йирик корхоналарни кенг акциялаштириш ҳозирда хусусийлаштириш босқичининг фарқловчи хусусияти ҳисобланади.

Давлатга тегишли акциялар пакетини хорижий инвесторларга сотиш йўли билан уларни хусусийлаштириш жараёнларига кенг жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарини юз фоизгача

хусусий мулк сифатида сотиш республикада амалга оширилаётган институционал эркинлаштиришнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодийга миллий ва хорижий капитални тўғридан-тўғри йўналтириш мақсадида кафолат ва имтиёزلарни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун янада қулай иқлимни яратиш борасида қатор амалий ишлар қилиниб, у ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Маълумки, марказлашган инвестициялар таркибига бюджет маблағлари, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар киради. Марказлашмаган инвестициялар таркибига эса корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва бошқалар киради.

Шу нуқтаи назардан юқоридаги марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни молиялаштириш таркибидаги нисбатни изоҳлайдиган бўлсак, унда марказлашмаган инвестицияларнинг салмоғи марказлашган инвестицияларнинг салмоғидан 1,5 баравар кўплигини кузатишимиз мумкин. Ваҳоланки, 2000-2021 йилларда ушбу кўрсаткич қарийб тенг бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар иқтисодийида молиялаштириш манбалари бюджет маблағлари ёки ҳукумат кафолати остида бериладиган маблағлар ҳисобидан эмас, балки марказлашмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини кузатишимиз мумкин. Бизнинг иқтисодийимизда ҳам охириги йил маълумотлари ушбу йўналиш бўйича ижобий силжишлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса албатта Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси десак муболаға бўлмайди. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишнинг яна бир йўли бўлиб, хўжалик юретишнинг бозор усулларига асосланган молия бозорининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади. Молия бозори асосан ссуда ва капитал (фонд) бозорларига бўлинишини инобатга олсак, биринчисида қарз муносабатлари, иккинчисида эса мулкка эгалик муносабатлари намоён бўлади.

Республикаимизда ушбу бозорнинг фаолияти бўйича рақамларга мурожат қиладиган бўлсак, у ҳолда қуйидагиларни кузатиш мумкин. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказ томонидан 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Давлатнинг ягона реестрига умумий миқдори 111,1 млрд. сўмлик бўлган 514 марта қимматли қоғозлар чиқарилиши рўйхатга олинган ва улардан 74,7 млрд. сўм миқдоридан фонд бозоридан жойлаштирилган бўлиб, уни олдинги йилларга нисбатан ўзгариш динамикасини қуйидаги графикда кўриш мумкин.[6.21., 29-34 ,бб.]

Тадқиқотларда илмий ишнинг предметини очиб беришда икки хил тушунча ва таърифларлардан фойдаланилади. Булар, қонуний (легал) ва назарий (доктриал) тушунчалар. Қонуний (легал) тушунчалар амалдаги қонунларда акс эттирилган бўлса, назарий (доктриал) тушунчалар эса айрим олим ва тадқиқотчиларнинг субъектив фикри ҳисобланади. Амалда бу икки тушунча ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, чунки қонуний тушунчалар ўз-ўзидан келиб чиқмасдан балки, мавжуд бўлган илмий тушунчаларга асосланади.

Инвестиция тушунчасининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда у лотинча «invest» сўзидан олинган бўлиб, сармоя киритиш маъносини англатади. Бу сўзни кенг маънода талқин этадиган бўлсак, унда киритилган сармоянинг вақт мобайнида кўпайиши тушунилади. Сармоянинг кўпайиши эса ўз навбатида инвестордан жорий даврда сармояни истеъмол қилишдан сақланиши учун, қилинган таваккалчиликни мукофотлаш учун ва инфляция натижаларини қоплаши учун етарли бўлиши зарур.

Инвестициялар тадбиркорлик фаолияти объектларига киритилиш йўналишларига кўра турлича кўринишда бўлади. Киритиладиган сармояни режалаштириш ва унинг самарадорлигини таҳлил этиш учун уларни ўзига хос хусусиятлари бўйича қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир.

Юридик жиҳатдан инвестиция тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида «иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар» [1.7., 2-м.]-деб таърифланиб, мўлжалланган объектига кўра турланишида капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади. Қонуннинг 4-моддасида инвестицияларни амалга ошириш бўйича молиявий инвестицияларга хос бўлган, яъни юридик шахсларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш ва қимматли қоғозларни, жумладан қарз мажбуриятларини олиш билан амалга ошириш қонунан бириктирилган бўлсада, ушбу тур инвестициялар қонуннинг 3-моддасида алоҳида келтирилмаган. Бизнинг фикримизча, молиявий инвестициялар ҳам инвестицияларнинг алоҳида тури сифатида таърифланиб, қонуннинг 3-моддасига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жаҳон амалиётида инвестициялар таърифига тўхталадиган бўлсак, инвестициялаш масалалари кўрилган молиявий ҳисоботнинг дастлабки халқаро стандарти 25- сонли «Молиявий инструментлар» деб номланган бўлиб, у 1985 йилда Молиявий Ҳисоботнинг халқаро стандартлар тузиш

бўйича Қўмитаси томонидан қабул қилинган бўлиб, мазкур стандартда инвестицияларни ҳисобга олишнинг асосий йўналишлари қимматли қоғозлар, берилган заёмлар ва бошқа ҳисоб объектларини корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятида ишлатиши учун эмас, балки инвестицион даромад олиш мақсадида кўчмас мулк объектлари ва бошқа активларга қилган инвестициялари, яъни – «Инвестицион мулк» тўплами сифатида белгиланган [3.40., 784 с.]. шундай қилиб, МҲХС инвестицияларнинг барча кўринишларини, яъни қимматли қоғозларни ҳам, бошқа турдаги «Инвестицион мулк»ини ҳам бир турдаги ўхшаш тавсифли активлар сифатида кўриб чиққан. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу активларни ҳисобга олиш учун уларни тавсифлаш ҳам умумий бўлган. 2001 йилнинг 1 январидан кучга кирган 39-сонли «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» [3.41., 935-1001с.] МҲХС га мувофиқ, «инвестиция бу бошқа корхона мулкани тақсимлаш (фоизлар, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи), капиталнинг ўсиши шаклидаги ёки бошқа турдаги даромад олиш мақсадида корхона эгалик қилувчи актив» деб таърифланади. Таърифдан кўришиб турибдики, «инвестиция» ва «инвестицион мулк» атамалари жуда кенг, яъни бир вақтнинг ўзида молия, кўчмас мулк ва иқтисодиётнинг бошқа бозорларини бирдай қамраб олиб, аниқ чегарага эга эмас. Шундай бўлса ҳам, «инвестиция» атамасини қўллаш чегарасини молиявий бозор чегарасигача торайтирсак, анчайин тор ва аниқ бўлган «молиявий инвестициялар» деб аталувчи тоифани олишимиз мумкин. Ушбу ёндашишдан, молиявий инвестицияларга, пул маблағларидан ташқари қимматли қоғозлар, бошқа корхоналарга берилган заёмлар, шунингдек молиявий инструментларнинг турли ҳосилаларига қилинган турли инвестициялар киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» ги Қонун.- Т.: 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.- Т.: 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.-Т.: 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори фаолият юритиш механизми тўғрисида»ги Қонуни.-Т.: 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.- Т.: 2008.